



МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА ИСТИСНА ШАРТНОМАСИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИДА АКС ЭТТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

PhD, доц. Батирова Нилуфар Шеркуловна
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
ORCID: 0000-0001-7542-0825
n.batirova@iiau.uz

Аннотация. Ушбу мақолада молиявий муассасаларда капиталга асосланган молиялаштиришнинг усулларида бири бўлган истисна ва унинг мазмун-моҳияти эътироф этилган. Ислом иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда истиснанинг хусусиятлари, ўзига хос жиҳатлари акс эттирилган. Истисна инструменти ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттиришнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда бошқа молиявий инструментлардан, хусусан, саламдан устун ва камчиликлари ёритилган. Ушбу инструментнинг ҳуқуқий асослари, тартиб қоидалари баён этилган. Истисна операциясидаги тўлов шакллари, уларни амалга оширишда вақтнинг хусусияти бирма-бир таҳлил қилинган. Шунингдек, истисна инструментининг анъанавий молиявий муассасалар томонидан таклиф этиладиган молиявий инструментларга ўхшаш ва фарқли жиҳатлари акс эттирилган. Мақола сўнггида истисна инструментдан фойдаланишнинг афзалликлари бўйича хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: истисна, молиялаштириш, товар ишлаб чиқариш, шартнома, тўлов жадвали, истисна харажатлари.

ОСОБЕННОСТИ УЧЕТА ДОГОВОРА ИСТИСНА В ФИНАНСОВЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

PhD, доц. Батирова Нилуфар Шеркуловна
Международная исламская академия Узбекистана

Аннотация. В данной статье рассматривается один из методов исламского финансирования – истисна, который является одним из методов финансирования финансовых учреждений, а также раскрывается его сущность. Рассмотрены особенности и специфика истисна, как метод финансирования основанный на принципах исламской экономики. Освящены особенности бухгалтерского учета истисна как финансового инструмента, а также его преимущества и недостатки по сравнению с другими финансовыми инструментами, в частности, саламом. В нем также излагаются правовая основа и процедуры применения данного инструмента. Последовательно анализируются формы оплаты в истисна, и последовательность осуществления операций с применением данного инструмента. А также проанализированы основные сходства и различия инструмента истисна с финансовыми инструментами, предлагаемыми традиционными финансовыми институтами. Статья завершается выводами о преимуществах использования инструмента истисна.

Ключевые слова: истисна, финансирование, производство товаров, контракт, график платежей, исключительные расходы.

FEATURES OF ACCOUNTING FOR THE ISTISNA AGREEMENT IN FINANCIAL INSTITUTIONS

PhD, assoc. prof. **Batirova Nilufar Sherkulovna**
International Islamic Academy of Uzbekistan

Abstract. This article discusses one of the methods of Islamic financing – istisna, which is one of the methods of financing financial institutions, and also reveals its essence. The features and specificity of istisna, as a method of financing based on the principles of Islamic economics, are considered. The features of accounting for istisna as a financial instrument, as well as its advantages and disadvantages compared to other financial instruments, in particular, salam, are covered. It also sets out the legal basis and procedures for applying this instrument. The forms of payment in istisna and the sequence of transactions using this instrument are consistently analyzed. Also analyzes the main similarities and differences of the istisna instrument with financial instruments offered by traditional financial institutions. The article concludes with conclusions about the benefits of using the istisna tool.

Keywords: istisna, financing, production of goods, contract, payment schedule, exceptional expenses.

Кириш.

Истиснани молиялаштириш инфратузилма, қурилиш соҳасида, товарлар ишлаб чиқаришда, шунингдек, материаллар ёки тугалланмаган ишлаб чиқаришни ўз ичига олган бошқа ишлаб чиқариш шаклларида қўлланиладиган сотишнинг махсус шакли бўлган шартнома туридир. Якуний харидор ва ишлаб чиқарувчи ўртасидаги олди-сотди шартномаси бўлиб, у ишлаб чиқарилган маҳсулотни келишилган шартларга мувофиқ ишлаб чиқариш ёки сотиб олиш мажбуриятини олади. Ушбу молиялаштириш турида нархни олдиндан, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки келгусида тўлаши мумкин. Истиснадан ташқари параллел истисна шартномаси ҳам бўлиб, якуний харидор ишлаб чиқарувчи субпудрат шартномасини тузмаслигини шарт қилмаган ҳолатда юзага келувчи шартнома туридир (Абдуллаев, 2020). Демак, бу ишлаб чиқарувчига биринчи шартнома мажбуриятини бажариш учун иккинчи шартномани тузиш имконини беради. Бу ҳолатда, иккита истисна шартномаси юзага келади, лекин улар бир-бирига боғлиқ бўлмаслиги лозим. Ҳар бир шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари алоҳида бўлиб, унинг бандлари фақат шартнома тузувчи томонларга таъсир қилади. Мисол учун, истеъмолчи томонидан ИМИ (ислом молия институтидан)дан товар етказиб бериш учун олдиндан тўлов билан олиш мақсадида Истисна шартномаси тузилади. ИМИ олинган тўловни мажбурият сифатида қабул қилади ва уни истисна бўйича кредиторлик қарзи сифатида қайд этади (Харисова, 2018). Кейин ИМИ товарларни ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқарувчини топади. Банкнинг товар ишлаб чиқарувчига тўлаган суммаси истиснанинг молиялаштирилиши деб қайд этилади. Иккала шартнома ҳам алоҳида бўлиб, ИМИ биринчи шартномада ишлаб чиқарувчи, иккинчисида эса оралиқ харидор сифатида ўрин эгаллайди. Одатда, истисна молиялаштириш шаклидан иқтисодиётнинг саноат ва инфратузилма тармоқларида фойдаланилади, чунки у Салам шартномасидан кўра кўпроқ мослашувчанликни таъминлайди ва ижаранинг афзалликлари билан бир қаторда рискларни тақсимлашнинг ўзига хос хусусиятларини бирлаштиради.

Адабиётлар шарҳи.

Истисна инструменти келажакка боғланган инструментдан бир ҳисобланади. “Истисна” сўзи арабча санаъ, яъни “бирор нарсани ишлаб чиқариш” ёки “қуриш” сўзининг илдизидан ҳосил бўлган ҳисобланади. Ушбу сўзнинг маъноси - бирор нарсани ишлаб чиқаришга буюртма ёки талаб бўлиб, бунда сўровчи бошқа бир тарафни ўзи учун

бирон бир товар яшашга ёки ишлаб чиқаришга таклиф қилади, ундайди ёки мажбурлайди. Истисна - бу икки томон ўртасидаги шартнома бўлиб, маълум хусусиятларга мувофиқ, нархи ва муддати кўрсатилган маълум бир буюмни ишлаб чиқаришдир (Бурвина, 2024). Наимов эса истиснага кенгроқ таъриф беради, унинг фикрича истисна савдо тури бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқарилишидан олдин сотилади ва ишлаб чиқарувчига харидор учун маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга буюртма беришни англатади, ишлаб чиқарувчи ўз материалидан маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз зиммасига олса, истисна битими юзага келади (Наимов, 2020). Истиснада банк фойдаси воситачилик операцияси доирасида икки шартномада (пудратчи ва мижоз билан) олди-сотди нархлари фарқи туфайли олдиндан белгиланади, истисна уй-жой мажмуаларини қуриш каби йирик лойиҳаларни амалга ошириш учун ишлатилади (Маковеева, 2019). Валинурованинг (Валунирова, 2020) фикрига кўра, истиснанинг ҳақиқий бўлиши учун нарх томонларнинг розилиги билан белгиланиши ва ишлаб чиқариш учун мўлжалланган товарларнинг зарур спецификацияси улар ўртасида тўлиқ муҳокама қилиниши керак деб ҳисобланади.

Истисна – бу кейинчалик ишлаб чиқарилиши ёки қурилиши мумкин бўлган бирор нарсани маълум бир нархга ҳозир сотиб олишга асосланган шартнома тури, деб таърифланади. Истисна объекти кўпинча келишув пайтида мавжуд бўлмайди, лекин кейинчалик ишлаб чиқарувчи ёки пудратчи томонидан тайёрланади. Истисна – маълум белгилар асосида эмас, балки олдиндан белгиланган техник хусусиятлар бўйича маҳсулотларни ишлаб чиқаришга нисбатан қўлланиладиган олди-сотди шартномасидир. Ушбу шартнома тури фақатгина ишлаб чиқарилиши ёки қурилиши керак бўлган объектлар учун амал қилади. Бироқ, агар ушбу шарт шартномада кўрсатилмаган бўлса, сотувчининг ўзи буюмни ишлаб чиқариши мажбурият ҳисобланмайди. Бунда истисна шартномаси объектининг (ишлаб чиқарилиши ёки қурилиши керак бўлган маҳсулот) тури, сифати ва миқдори маълум ва аниқ бўлиши керак.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди. Бир қанча мавзуга доир миллий ва хорижий адабиётларда мавзуга доир тадқиқотлар ўрганилди ва таҳлил этилди. Мавзуга доир бугунги кундаги тенденция баҳоланди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бу шартномани амалиётда кўпгина давлатларда тикувчилик саноатида фойдаланилаётганини кўриш мумкин, бунда мижоз буюртма асосида тайёрланган кийимни лойиҳалаш, ўлчаш, кесиш ва тикиш учун тикувчи қидиради ва тайёр кийимни кейинчалик тўлиқ тўлов билан етказиб бериш учун депозит қўяди. Тикувчи ишлаб чиқарувчи сифатида вазифани бажариш учун материал ва меҳнат билан ўзини таъминлайди. Шу каби жараёнларни қурувчилар, дурадгорлар ёки бошқа ҳунармандлар каби турли касбларда кўриш мумкин бўлиб, маҳсулот хусусиятлари бўйича фақат харидор ва ишлаб чиқарувчи ўртасида нарх, тўлов ва етказиб бериш шартлари бўйича конструктив мажбурий шартнома тузилади (Гарифуллин, 2019). Нарх ишлаб чиқаришнинг тахминий харажатларидан келиб чиқиб, зарур бўлганда ортиқча харажатлар учун маржа билан келишилади. Тўлов усули олдиндан тўлиқ тўлов ёки қисман тўлов шаклида, аванс тўловлари ёки етказиб беришдан кейин муддат охирида бир марталик тўлов шаклида бўлиши мумкин. Етказиб бериш давр охирида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида доимий равишда назорат қилинади ва баҳоланади. Гарчи булар молиялаштириш нуқтаи назаридан мослашувчанликни таъминласа-да, таваккалчиликлар ҳар хил бўлади. Умуман олганда, кредит

таваккалчилиги етказиб бермаслик, шунингдек, молиялаштириш суммасининг қайтарилмаслиги билан боғлиқ бўлиб, хавфларни юмшатиш воситалари хавфсизлик ва ижрочиларнинг иштироки кўринишидаги турли хил хавфларни бартараф этиш учун қўлланилади. Анъанавий шароитда маҳсулот савдоси билан шуғулланадиган мижоз ишлаб чиқариш жараёнини молиялаштириш учун маблағ тўплашга қодир ҳисобланади. Бироқ, саноатлаштириш ва кенг кўламли мулк ва инфратузилма қурилиши соҳаларида банклар муддатли лойиҳани молиялаштириш билан шуғулланади. Истисна тўлови молиялаштириш воситаси сифатида қабул қилинади ва истиснани молиялаш жараёни ишлаб чиқаришни молиялаштириш воситаси сифатида қабул қилинади. Истисна шартномаларини молиялаштириш тузилмасида мослашувчанлик имкониятлари куйидаги сценарийлар асосида амалга ошади.

1-жадвал

Истисна операцияларини молиялаштириш

	Давр	Тўлов	Етказиб бериш
Биринчи сценарий	Худди шу шартнома муддати иккала шартнома учун	Худди шу тўлов жадваллар	Бир хил етказиб бериш саналари
Иккинчи сценарий	Худди шу шартнома муддати иккала шартнома учун	Турли тўлов жадваллар	Бир хил етказиб бериш саналари

Биринчи сценарийда, ИМИ ўз акциядорлари ва инвесторлар маблағларини жалб қилмасдан мижоздан олинган маблағ ҳисобига ишлаб чиқарувчини молиялаштиради. Истисна нархларидаги мижозга кўрсатилган нарх ва ишлаб чиқарувчидан олинган нарх ўртасидаги фарқ ИМИнинг фойдаси ҳисобланади ва у маҳсулотларни ўз вақтида ишлаб чиқарувчидан етиб келмаслик рискни тўлиқ бўйнига олади. Иккинчи шартномани бажаришда бозор rischi ҳам юзага келиши мумкин. Иккинчи сценарийда ИМИ ўз акциядорлари ва фонд маблағларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқарувчини молиялаштиради. Шартнома муддати тугагандан сўнг, молиялаштириш суммаси мижоз томонидан амалга оширилган тўловлар ҳисобидан қопланади. Ушбу нарх фарқидан олинган фойда ИМИни мижозга вақтида товарни етказиб бермаслик таваккалчилигини ҳисобга оладиган молиявий даромадни, шунингдек, иккинчи шартномани бажариш даврига ҳам тегишли бўлган riskни келтириб чиқаради.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулот тури, сифати ва умумий фойдаланиш миқдори бўйича тўлиқ маълумот бўлиши керак. Етказиб бериш санаси, босқичлар ёки аниқ сана бўйича маълумотлар шартнома тузувчи томонлар ўртасидаги музокараларда белгиланиши лозим. Бироқ, умумий фойдаланиш шarti билан, етказиб бериш сана(лар)и ҳам аниқланиши ва белгиланиши мумкин. Бу шартноманинг мажбурий шarti сифатида қаралади. Бироқ, ҳақиқий етказиб бериш санаси белгиланган сана(лар)дан фарқ қилиши мумкин. Нарх олдиндан маълум бўлиши керак ва моддий харажатлар, меҳнатнинг оқилона ўсиши ёки камайишига қараб ўзгариши мумкин. Ўзаро келишув ёки қутилмаган ҳолатлар туфайли шартномага ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Шартноманинг амал қилиш муддати тугагунга қадар, агар томонлардан бири шартномани сезиларли даражада ўзгартиришга рози бўлмаса, иккала томон ҳам шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бошқача қилиб айтганда, мижоз пул маблағларини олиб қўйиши мумкин ва ишлаб чиқарувчи шартномани давом эттирмасликни танлаши мумкин. Товар ишлаб чиқарилганда айнан ўша пайт етказиб берувчи етказиб беришга мажбур эмас ва харидор

товарни олишга ҳам мажбур эмас. Бунинг сабаби шундаки, шартнома якуний маҳсулотга эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларидаги маҳсулотга тегишлидир. Бироқ, мижоз қабул қилмаслик вариантыни сақлаб қолиши мумкин, ammo етказиб берувчи ҳам, харидор ҳам бундай ҳуқуқлардан воз кечиши ва шу билан шартномани мажбурий ҳолга келтириши мумкин. Бир қанча ҳуқуқий қарашлар шартноманинг белгиланган шартлари асосида ҳар икки томон учун ҳам мажбурий эканлигига далolat қилади. Истисна шартномасини қонуний жиҳати шундан иборатки, барча белгиланган шартлар бажарилгандан сўнг маҳсулот автоматик равишда ишлаб чиқарувчидан харидорга келишилган нархда ўтказилади. Товарлар ва хизматларнинг ўз вақтида тўланиши ва етказиб берилишини таъминлашда ИМИ зарур ҳолларда етказиб беришни осонлаштириш ва ишлаб чиқариш жараёнини вақтида амалга ошишини таъминлаш учун керакли тўловларни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди (Данченко, 2015). Шу билан бирга, ИМИ ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида мижоз томонидан ўз вақтида тўловни амалга оширилишини таъминлаши керак. Агар тўлов етказиб беришдан олдин амалга оширилган бўлса, мижоз ҳам шунга ўхшаш кафолатлар ёки гаров талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ишлаб чиқарувчи томонидан лойиҳа қийматини ҳаддан ташқари ошириб юбориш каби мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари учун шартномага жарима моддаси киритилиши мумкин. Маҳсулот спецификацияларининг бажарилмаслиги мижозга ишлаб чиқариш обектини рад этиш ёки зарарни талаб қилмасдан қабул қилиш имкониятини беради. Шартномани бекор қилиш ҳар икки томоннинг мажбуриятлари бажарилган ҳолатда ҳар икки томон ўзаро келишувни бекор қилишга рози бўлганда ёки шартноманинг бажарилишига ёки унинг тугалланишига тўсқинлик қиладиган узрли сабаблар юзага келганда суд томонидан бекор қилинганда юзага келади.

Ислом молия институтлари учун бухгалтерия ҳисоби ва аудит ташкилотининг 10-сонли молиявий ҳисоб стандарти Истисна ва параллел истисна шартномаларини ҳисобга олиш қоидаларини белгилайди. Харажатлар ва даромадларни, шунингдек, фойда ва зарарларни молиявий ҳисобда тан олиш ва ўлчаш, шунингдек уларни молиявий ҳисоботларда тақдим этиш ва ёритиш стандартда кўриб чиқилади. Стандартда ишлаб чиқарувчининг ва харидорнинг молиявий ҳисоботида бўлган талаблари тушунтирилади. Истисна харажатлари маҳсулотнинг бевосита таннархини ва объектив асосда шартнома билан боғлиқ билвосита харажатларни ўз ичига олади. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот таннархи истисна харажатларининг бир қисми сифатида тан олинади. Сотиш, умумий ва маъмурий, шунингдек, тадқиқот ва ишланмалар каби давр харажатлари истисна харажатларига киритилмайди (Маковеева, 2019).

Молиявий давр мобайнида аниқланган маҳсулот таннархлари, шунингдек, шартномадан олдинги харажатлар Истиснанинг тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобварағида тан олинishi ва молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда активлар сифатида акс этирилиши керак. Бироқ, бу молиявий ҳисоб операцияси Истиснага параллел равишда молия муассасаси (сотувчи сифатида) нинг молиявий ҳисоб ёзувларида Истисна харажатлари сифатида таснифланади. ИМИ томонидан мижозга тўловлар бўйича белгиланган ҳисоб китоблар Истисна ҳисоб-китоблари ва Истиснанинг дебиторлик қарзлари сифатида қайд этилади. Истисна даромади кейинчалик “Истисна” счётида ёки “Истисна” харажат ҳисобварағида қайд этилган харажатларга нисбатан ҳисоб-китоб қилинади. “Истисна” бўйича харажатлар юзага келган тақдирда, у ишлаб чиқарувчи ва харидор билан келишилган нарх ўртасидаги фарқ ҳисобига қопланади. Истисна операциялари бухгалтерия ўтказмаларида қуйидагича акс этирилади:

Истисна бўйича бухгалтерия ўтказмалари

№	Бухгалтерия ўтказмасининг тавсифи	Бухгалтерия ёзуви
1.	Банк сотувчи сифатида шартномани амалга оширган ҳолатда	ДТ Кечиктирилган харажат КТ Пул
2.	Шартнома бўйича бевосита ва билвосита материал харажатлари амалга оширилганда	Дт Истисна ишлаб чиқариш Кт Пул
3.	Шартномани тугатгандан сўнг, шартномадан олдинги харажатларни таннархга ўтказиш	Дт Истисна ишлаб чиқариш Кт Кечиктирилган харажат
4.	Истисна даромадни тан олиш	ДТ Истисна ишлаб чиқариш (фойдани таркибида тан олган ҳолда) ДТ Истисна тушумига тегишли харажат (тушум ва фойда ўртасидаги фарққа тенг) КТ Истисна даромади
5.	Харидор тўловни амалга оширгандан сўнг	Дт Истисна бўйича олинadиган ҳисоб Кт Истисна бўйича ҳисоб
6.	Тўловни олгандан кейин	Дт Пул Кт Истисна бўйича олинadиган ҳисоб
7.	Одатда мижоз томонидан бўлиб-бўлиб тўлаш товарни олгандан кейин бошланади ва кечиктирилган фойда олинadиган бўлиб-бўлиб тўловларга мутаносиб равишда белгиланади ва амортизация қилинади	ДТ Истисна тушуми КТ Кечиктирилган фойда (ҳаммаси) Дт Кечиктирилган фойда (бўлиб-бўлиб тўлаш бўйича дебиторлик қарзлари бўйича нисбат) КТ Фойда ва зарар ҳисоби
8.	Агар мижоз эрта ҳисоб-китобни амалга оширса	Дт Кечиктирилган фойда Кт Олинadиган ҳисоб
9.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматининг пасайиши амалга ошса ёки шартномадан зарар кўриلسа	Дт Фойда ва зарар Кт Истисна ишлаб чиқариш
10.	Техник хизмат кўрсатиш ва кафолат харажатлари	ДТ Фойда ва зарар КТ Истисна
11.	Буюртмачи томонидан берилган буюртманинг ўзгариши сабабли қўшимча харажатлар юзага келганда (бу қўшимча харажат мижоздан ундирилиши мумкин ва шунинг учун у банк учун даромадга айланади)	Дт Истисна ишлаб чиқариш Кт Пул
12.	Агар сотувчи активни қабул қилишни рад этса	Дт Истисна актив ҳисоби Кт Истисна ишлаб чиқариш
13.	Истисна активининг нақд эквивалент қиймати истиснанинг баланс қийматидан паст бўлса, бухгалтерия ёзувлари бошқача бўлади	ДТ Фойда ва зарар ДТ Истисна актив ҳисоби КТ Истисна ишлаб чиқариш Дт Пул Кт Истисна актив ҳисоби
14.	Банк харидор сифатидаги ҳолатлар Харажатларни тан олиш	ДТ Истисна харажати ҳисоби КТ Пул
15.	Пудратчидан тўловлар олинганда	Дт Истисна харажати ҳисоби Кт Истисна тўланadиган ҳисоб
16.	Пудратчига тўловлар амалга оширилганда	Дт Истисна тўланadиган ҳисоб Кт Пул
17.	Активни олиш жараёни	ДТ Истисна активи КТ Истисна харажат ҳисоби
18.	Активни олиш, қиймати пул эквивалентига туширилганда	Дт Истисна активи ДТ Фойда ва зарар ҳисоби Кт Истисна тўланadиган ҳисоб
19.	Ислом банки белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган активларни қабул қилмаганда	Дт Истисна олинadиган ҳисоб Кт Истисна харажат ҳисоби

ИМИнинг Истисна даромади ИМИ ва якуний харидор ўртасида келишилган умумий нархдир. Биринчи Истисна шартномасининг нархи ҳам параллел Истисна деб таснифланади. У фойда маржасини ўз ичига олади, бу Истисна ҳисоб-китоби ва Истисна харажатлари ҳисоблари ўртасидаги фарқ билан белгиланади. Истисна даромади ва у билан боғлиқ фойда маржаси мувофиқлик усули ёки тугалланган усул бўйича ўлчанади ва тан олинади. Биринчиси, шартнома даврининг турли босқичларини ўз ичига олади, даромад ва фойда мутаносиб равишда тан олинади. Иккинчисида даромад шартнома муддати охирида тан олинади. Параллел Истиснанинг даромади ва фойдаси якунланиш фоизи усулини қўллаш орқали тан олинади, чунки сотиш ва таннарх нархлари ўртача аниқлик билан маълум бўлади (Казиев, 2020). Фойданинг тан олинган қисми Истисна харажатлари ҳисобига қўшилади. Демак, ҳисобварақ қолдиғи Истисна шартномасининг умумий қийматига тенг бўлиб, Истисна фойдаси ҳисобот санасигача тан олинади.

Шартнома муддати давомида келишилган даромаднинг бир қисми тегишли харажатлар билан бирга тан олинади. Булар Истиснанинг тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобига қўшилади. Кечиктирилган фойда – шартнома муддати давомида тўланган умумий нарх (лойиҳани бажарувчига) ва келишилган умумий нарх (якуний миқдор билан) ўртасидаги фарқ бўлиб, у Истиснанинг дебиторлик қарзлари таркибида бўлади. Кечиктирилган фойдани мутаносиб равишда тақсимлаш фойдани тан олишнинг афзал усули ҳисобланади. Муқобил усул, агар Кузатув Кенгаши (ССБ) талаб қилса, тўланган вақтда тан олиш усулидан фойдаланади. Эрта ҳисоб-китоб қилинганда, фойданинг бир қисми бекор қилинади ва Истиснанинг дебиторлик қарзи ва кечиктирилган фойда ҳисобварағидан ушлаб қолинади. Истиснанинг “тугалланмаган ишлаб чиқариш” счёти ҳам, Истисна харажатлари ҳам пул эквиваленти қийматидан ошмайдиган қийматда ўлчаниши керак, яъни шартнома қийматидан шартномани бажариш учун юзага келган қўшимча харажатлар чегириб ташланган ҳолатда юритилиши лозим. Ҳар қандай кутилаётган зарар тўғридан-тўғри даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботга киритилади. ИМИ учун бундай йўқотиш, агар ишлаб чиқарувчи техник шартларга мувофиқ етказиб бермаса пайдо бўлиши мумкин. Буюртмачи ва ИМИ томонидан келишилган ҳар қандай буюртмалар ёки даъволар тегишли равишда ҳисобга олиниши керак. Техник хизмат кўрсатиш ва кафолат харажатларининг ҳисобланиши истисна даромадига мос келиши керак. ИМИдан тўлов ҳисобини олгандан сўнг, Истисна учун тўлов ИМИ га тўланади, унга “Истисна”нинг тегишли ҳисоб-китоблари илова қилинади. Маҳсулот тугаллангандан сўнг, спецификацияларга мувофиқ, активлар тарихий қиймати бўйича акс эттирилади. Агар дастлаб келишилган талаблар бажарилмаса, миқдор шартномани бекор қилади, натижада ИМИга тўлиқ тўлов ва ишлаб чиқарувчидан олинган тўловлар дебиторлик қарзига айланади ёки маҳсулотни қопланмаган зарар билан қабул қилади.

Қуйида Истиснани молиялаштириш мисоли келтирилган:

Ислом молия институти икки йиллик шартнома нархи 800000 ш.б. бўлган объектни қуриб бериш бўйича миқдор билан шартнома имзолади, шартноманинг смета харажатлари 500000 ш.б.ни ташкил қилади. Параллел истисна асосида ИМИ объектни қурдириш учун қурилиш ташкилоти билан 500000 ш.б.лик шартнома имзолади.

Шартнома муддати давомида қуйидагилар қайд этилди:

Балансдан кўчирма қуйидагича тақдим этилади:

3-жадвал

Истисна операциясини ҳисоботда акс эттириш

	1-йил	2-йил
Харажатлар	300000 ш.б.	200000 ш.б.
Талаб қилинган ҳисоб-китоблар	400000 ш.б.	400000 ш.б.
Мижозлардан олинган тўловлар	350000 ш.б.	450000 ш.б.

4-жадвал

Истисна операциясини ҳисоботда акс эттириш (молиявий натижа)

	1-йил	2-йил
Бажарилиши, %	75%	25%
Даромад	600000	200000
Истисна таннари	(375000)	(125000)
Истисна фойдаси	225000	75000

Иккинчи йил охирида барча ҳисобварақлар ёпилади ва ҳеч қандай қолдиқ йўқ.

Хулоса ва таклифлар.

Демак, истисна шартномаси келгусида товарлар ва лойиҳаларни етказиб бериш учун молиялаштиришни осонлаштиради. Хатарга дучор бўлиш хавфи Муробаҳани молиялаштиришда бўлгани каби тўламасликдан эмас, балки режа лойиҳани бажармаслик ёки товарни етказиб бермасликдан келиб чиқади. Салам молиялаштиришда товарлар шартномада кўрсатилган мижознинг сифат ва миқдор хусусиятларига мос келиши ва тўлов олдиндан амалга оширилиши керак. Истисна асосида молиялаштириладиган қурилиш ва ишлаб чиқариш фаолиятида таннарх харажатлари келишилишини талаб қилади. Молиячига ҳам, ишлаб чиқарувчига ҳам лойиҳанинг турли босқичларида тўловларни етказиб бериш билан мослаштиришга имкон бериш учун мослашувчан тўловни амалга ошириш ва босқичма-босқич етказиб бериш тизими қабул қилинган. Шартномада сифат, миқдор, қиймат, вақт ва бошқа белгиланган талаблар бўйича тахминларга мос келиш етказиб бериш жараёнини якунлаш учун жуда муҳимдир. Товар қийматини пасайтирадиган товарнинг техник тавсифидаги ҳар қандай ўзгаришлар етказиб бериш вақтидаги зарар сифатида қайд этилади. Иккала шартнома ҳам (Истисна ва параллел истисна) алоҳида-алоҳида шартнома бўлиб, шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятлар нуқтаи назаридан бир-бирига боғлиқ эмас. Молиялаштириш тартиби сифатида Истиснани молиялаштириш қурилиш ёки маҳсулот ишлаб чиқаришни осонлаштиради, параллел Истисна эса якуний харидорга тўловни режалаштиришда мослашувчанликни таъминлайди, шу тарзда якуний харидорга ишлаб чиқарувчига тақдим этилган молиялаштириш муддатидан кўпроқ кредит муддати берилиши мумкин. Шунингдек, томонларнинг ҳар бири етказиб бермаслик ёки товарни қабул қилмаслик ҳуқуқидан воз кечиш ҳуқуқига эга ва бу шартномани томонлардан бири ёки иккаласи учун мажбурий ҳолга келтиради. Истисна харажатлари сифатида давр эмас, балки маҳсулот тан олинади. Истисна харажатлари ва шартномадан олдинги харажатлар Истиснанинг тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобидаги активлар сифатида акс эттирилади. Истисна бўйича ҳисоб-китоблар Истисна счётининг дебиторлик қарзига тўғри келадиган кўрсаткичларга асосланади.

Адабиётлар / Литература / Reference:

Абдуллаев Р. В. (2019) Основные принципы исламского банкинга и тенденции в развитии сотрудничества Узбекистана с Исламским банком развития // *Paradigmata roznani*. . – №. 1. – С. 35-41.

Абдуллаев Р. В. (2020). Особенности модернизированных механизмов финансирования в деятельности исламских банков // *Актуальные научные исследования в современном мире*. – №. 6-3. – С. 19-22.

Бурвина И. (2024). Салам и Истисна – два похожих метода исламской модели финансирования. *Экономика и управление: научно-практический журнал*, № 3 (177), 112-116.

Валинурова А. А., Смирнова А. О., Ксенофонтова О. Л. (2020) Аналогии кредитных продуктов в исламском банкинге //Современные наукоемкие технологии. Региональное приложение. – №. 3 (63). – С. 8-14.

Гарифуллин И. И. (2019). Российская практика применения исламских финансовых инструментов //Современная экономика: актуальные вопросы, достижения и инновации. – С. 127-130.

Данченко Е. А. (2015). Адаптация взимания процента к принципам исламской банковской системы //Финансовые исследования. – №. 1 (46). – С. 81-87.

Казиева Н. Е. (2020). Инструменты исламского финансирования и их особенности //Интернаука. -- Т. 17. – №. 146 Часть 2. – С. 62.

Маковеева Е. Н. (2019). Сравнение продуктов исламского банкинга //Экономика. Менеджмент. Финансы. – С. 77-79.

Муртазалиев Ш. М. (2014) Экономическая сущность исламских банков //М. Рыскулбеков атындагы Кыргыз экономикалык университетинин кабарлары. – №. 2. – С. 205-207.

Наимов Ш. Р. (2020) Контракт салам и истисна в исламском банковском деле. 21-23.

Харисова Ф. И., Юсупова А. Р., Харисов И. К. (2018). Общая характеристика бухгалтерских стандартов для исламских финансовых учреждений //Международный бухгалтерский учет. –Т. 21. – №. 2 (440). – С. 138-148.